



**“ЭПИДЕМИЯ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ
ТИББИЁТНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ”**

**РЕСПУБЛИКА ОНЛАЙН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ**

**«АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОЙ
МЕДИЦИНЫ В УСЛОВИЯХ ЭПИДЕМИИ»**

**THE MATERIALS OF THE REPUBLICAN SCIENTIFIC AND
PRACTICAL ONLINE CONFERENCE**

**«CURRENT PROBLEMS OF MODERN MEDICINE
DURING AN EPIDEMIC»**

15 апрель 2021 йил

Термиз-2021

Содержание эритроцитов (табл. 4.7) в периферической крови также снижалось, причем у животных 1-ой группы снижение было более значимым и длительным, чем у животных 2-ой группы.

У животных 2-ой группы статистическая разница по сравнению с контролем установлена на протяжении 2-х первых суток.

Результаты изучения сорбционной способности эритроцитов, представленные на рис. 4.9, свидетельствуют о том, что этот показатель изменялся уже через 2 часа после введения препарата у животных 1-ой и 2-ой групп и составлял $42,2 \pm 0,7\%$ и $40,1 \pm 0,65\%$, при контроле $31,4 \pm 0,56\%$ ($P < 0,001$).

Таким образом, на основании полученных результатов исследований установлено, что Бахор по параметрам острой токсичности при различных путях поступления относится к веществам 3 класса опасности (СанПиН №0059-96). Изучение раздражающего действия препарата позволило установить, что препарат обладает слабораздражающим действием. Бахор обладает кумулятивными свойствами функционального характера, не вызывает аллергии. Рекомендованный уровень ПДК Бахора в воздухе рабочей зоны составляет $5,0 \text{ мг/м}^3$.

GALEGA OFFICINALIS L., VACCINIUM MYRTILLUS L, ЎСИМЛИКЛАРИ ЭКСТРАКТИНИНГ ГИПОЛИПИДИМИК ҲАМДА ГИПОХОЛЕСТЕРИНЕМИК ТАЪСИР САМАРАДОРЛИГИ

М.Ж. Аллаева, З.З. Д.Д. Ачилов. Н.А. Ахунджанов,
С.У.Алимов, А.Ё. Баходиров.

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент

Мавзусининг долзарблиги. Ҳозирги кунда *Galega officinalis* L., *Vaccinium myrtillus* L., ўсимликлари экстрактини гипогликемик ва гиполипидимик таъсир самарадорлиги бўйича бир қанча изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ ўсимликнинг гиполипидимик ҳамда гипохолестеринемик таъсири кам ўрганилган. Шунинчун олиб, илк маротаба айнан шу ўсимликнинг қандли диабетнинг турли моделларида гиполипидимик ҳамда гипохолестеринемик хусусияти α -липой кислотаси билан солиштирилиб ўрганилди.

Қандли диабетнинг тиббий-ижтимоий аҳамияти касалликнинг оғир асоратлари, юқори даражадаги ногиронлик ва ўлим сони билан изоҳланади. Шу сабабли гиперлипидемия ҳамда гиперхолестеринемияни даволаш мақсадида маҳаллий ўсимликлар асосида олинган дори воситаларининг фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади доривор эчки ўти экстракти глюкоза концентрациясини, гликирланган гемоглобинни, умумий холестерин миқдорини камайтиради, юқори зичликдаги липопротеинларда оксиллар миқдорини оширади. Тажрибада *Galega officinalis* L. ўсимликлари экстрактини α -липой кислотаси билан солиштирилиб ўрганилди гипогликемик таъсир механизмларини очиқ бериш, шифохонагача бўлган тадқиқотларини амалга ошириш ва тиббиёт соҳасига тадбиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади. *Galega officinalis* L., *Vaccinium myrtillus* L., ўсимликлари экстрактини ҳайвонлар организмдаги гиполипидемик ҳамда гипохолестеринемик таъсири ўрганиш ва уни тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш.

Тадқиқот усули ва материали: Бизнинг тадқиқотларимизда диабетнинг дитизон моделида тажриба қуёнларини қон зардобдаги липидлар спектрига таъсирини аниқлаш учун тана вазни $2,4-3,8$ кг иборат бўлган 15 та оқ соғлом урғочи қуёнлар танлаб олинди. Қуёнлар 3 тадан 5 гуруҳга ажратилди. Уларга 25 мг/кг дозада аммиакли сувда эритилган холатда қуёнларнинг қулоқ венасига қунига бир мартадан 30 кун давомида юборилди. Дитизонли диабетнинг енгил шаклида *Galega officinalis* L., *Vaccinium myrtillus* L. ўсимликлари экстрактини 6 ва 60 мг/кг дозалардаги таъсири ўрганилди.

Тадкикот натижалари: Маълумки, кандли диабетнинг 1-типида липолиз жараёни кучайиб, кон зардобиди триглицеридлар миқдори ошади. 2-тип кандли диабетда эса семизлик ривожланади. Шунинг учун, навбатдаги тажрибаларда *Galega officinalis* L., *Vaccinium myrtillus* L., ўсимликлари экстрактининг дитизонли диабетда кон зардобиди липидлар миқдорига таъсири ўрганилди. Дитизонли диабет фониди кон зардобиди умумий липидлар миқдори назорат гуруҳига нисбатан $9,3 \pm 0,2$ г/л дан $17,0 \pm 0,6$ г/л га ($82,8\%$; $P < 0,001$), триглицеридлар $2,15 \pm 0,14$ ммоль/л дан $3,47 \pm 0,21$ ммоль/л га ($61,4\%$; $P < 0,001$), холестерин $1,30 \pm 0,13$ ммоль/л дан $8,41 \pm 0,19$ ммоль/л га ($64,6\%$; $P < 0,00001$) ва β -липопротеидлар $2,32 \pm 0,17$ г/л дан $2,84 \pm 0,11$ г/л га ($22,4\%$; $P < 0,05$) ошганлиги аниқланди. Кондаги холестерин ва триглицеридлар миқдори ҳам фитопрепарат таъсирида ўрганилган дозаларда сезиларли даражада назорат гуруҳига нисбатан $44,8$ ва 47% га ҳамда $47,3\%$ ва $52,5\%$ га камайганлиги, қиёсий препарат α -липой кислота таъсирида кондаги холестерин миқдори мос равишда $54,6\%$ га камайганлиги, триглицеридлар миқдори эса интакт кўрсаткичларидан ҳам паст бўлганлиги кузатилди. Шунингдек, β -липопротеинларнинг кондаги миқдорини камайтирувчи ($13,7\%$ ва $18,7\%$) таъсири бўйича ҳам α -липой кислотадан қолишмаганлиги аниқланди.

Galega officinalis L., *Vaccinium myrtillus* L, доривор ўсимлиги билан даволанганда умумий липидлар миқдори назорат гуруҳига нисбатан 6 ва 60 мг/кг миқдорларда 40% га ($10,2 \pm 0,5$ г/л; $P < 0,01$) ва $42,3\%$ га ($9,8 \pm 0,4$ г/л; $P < 0,01$) сезиларли даражада камайиб, интакт кўрсаткичлардан фарк қилмади. Қиёсий гиполлипидемик дори воситаси (α -липой кислота) таъсирида эса унинг миқдори мос равишда $45,3\%$ га ($9,3 \pm 0,7$ г/л; $P < 0,01$) камайди.

Хулоса: Бизнинг тадқиқотларимиздаги диабетнинг дитизон модели умумий липидлар даражасини $17,0 \pm 0,6$ г/л ($P < 0,001$) мартага, триглицеридларни $1,61$ мартага, холестерин $6,47$ мартага ва β -липопротеидларни $1,22$ мартага ишончли равишда ортиши билан тавсифланди. *Galega officinalis* L., *Vaccinium myrtillus* L, ўсимликлари экстрактининг гиполлипидемик, гипотриглицеридемик ва гипохолестеринемик хусусиятларга эгадир. Бироқ, *Galega officinalis* L доривор ўсимлиги гипохолестеринемик фаоллиги α -липойкислота фаоллигидан бир неча марта паст бўлди. Бундан кўринадики, *Galega officinalis* L доривор ўсимлиги меъда ости безидан инсулин ажралиб чиқишига ижобий таъсир кўрсатиб тўқималарда ёғлар метаболизмини яхшиланишига олиб келади. Юқорида баён этилганларидан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкин, фитопрепарат кандли диабетнинг 2-типида ёғлар алмашинувини бузилишини олдини олиш, гиперлипидемия ҳамда гиперхолестеринемияни коррекциялаш ва даволашда тавсия этиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Fadzelly A.B., Asmah R., Fauziah O. Effects of *Strobilanthes crispus* tea aqueous extracts on glucose and lipid profile in normal and streptozotocin-induced hyperglycemic rats // *Plant Foods Hum. Nutr.* -2006. Vol. 61. N 1. -P. 7-12.
2. Венгеровский А.И. Гиполипидемическое действие экстрактов лекарственных растений при экспериментальном сахарном диабете // *Химико-фармацевтический журнал*, 2019. -Т.53. -№3. -С.40-44
3. Доборджгинидзе Л.М., Грицианский Н.А. Роль статинов в коррекции диабетической дислипидемии // *Сахарный диабет.* - 2001. - № 2. - С. 33-37.
4. Орехова Е.М., Швец В.И., Грачева Н.И., Кляциский В.А. Биологические активные производные миоинозитанелипидной природы и перспективность их использования для создания лекарственных препаратов // *Химико-фармацевтический журнал*. М. 1996. № 3. -С. 9-20

	Каримова З.Х., Латипов Д.А., Ахунджанов Н.А	
295	БУЙРАК ТЎҚИМАСИНИНГ ГИСТОЛОГИК ТАХЛИЛИ НЕФРОГЕН АНЕМИЯ КЎРИНИШИДА Кенжаев Ё.М., Шоймардонов Б.Х., Холбеков Б.Б.	473
296	КОРАНАР АРТЕРИЯЛАР ТУЗИЛИШИДАГИ АТРЕОСКЛЕРОЗГА МОЙИЛЛИКНИ ГИСТОКИМЁВИЙ УСУЛДА ЎРГАНИШ Кенжаев Ё.М., Шоймардонов Б.Х., Холбеков Б.Б.	476
297	ҚОН КАСАЛЛИКЛАРИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДА СУЯК КЎМИГИДА ҚОН ЯРАТИЛИШ БОСҚИЧЛАРИНИ ЎРГАНИШНИ ГИСТОЛОГИК АҲАМИЯТИ Кенжаев Ё.М. Шоймардонов Б.Х., Холбеков Б.Б.	477
298	ВОПРОСЫ НЕКОТОРОЙ УСТОЙЧИВОСТИ ОРГАНИЗМА ХОЗЯИНА К ПАРАЗИТАРНЫМ ИНВАЗИЯМ Курбанов А.К., Холиков П.Х., Умарова З.Х., Хусаинова Х., Самадова Ф.Р	478
299	ТОКСИЧНОСТЬ ХАРАКТЕРИСТИКА СТИМУЛЯТОРА РОСТА РАСТЕНИЙ «БАХОР» Куриязова С.М.	480
300	GALEGA OFFICINALIS L., VACCINIUM MYRTILLUS L, ЎСИМЛИКЛАРИ ЭКСТРАКТИНИНГ ГИПОЛИПИДИМИК ҲАМДА ГИПОХОЛЕСТЕРИНЕМИК ТАЪСИР САМАРАДОРЛИГИ М.Ж. Аллаева, З.З. Д.Д. Ачилов. Н.А. Ахунджанов, С.У.Алимов, А.Ё. Баходиров	482
301	ТАЖРИБАВИЙ ГИПОТИРЕОЗ ЧАҚИРИЛГАН ОНАЛАРДАН ТУҒИЛГАН АВЛОДДА УРУҒДОНЛАРНИНГ ПОСТНАТАЛ РИВОЖЛАНИШИ Мадаминова Г.И., Азизова Ф.Х., Аббасов М.Қ., Назарова М.М., Турсунметов И.Р	484
302	РЕВМАТИК ИСИТМА КАСАЛЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА СУРУНКАЛИ ТОНЗИЛЛИТ ДИСПАНСЕРИЗАЦИЯСИНИ ЭФФЕКТИВЛИГИ Мадаминова М.Ш., Кадирова Б.М	485